Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 3 (21. 122) 1992 йил 4 январь, шанба

Баҳоси 35 тийин.

ХХР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Суратда: Эсдалик совға топшириш пайти.

Р. Жуманиёзов олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси аъзоларини 3 январь куни қабул қилди. Делегацияга ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьцин бошчилик қилмоқда.

И. А. Каримов ХХР ҳукумати ва халқи Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб тан олганликлари учун миннатдорчилик билдирди, Хитой халқига равнақ тилади. У меҳмонларга Ашҳобод, Олмаота ва Минскда собиқ СССР ўрнига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини барпо этиш хусусида ўтказилган музокараларнинг натижалари ҳақида ахборот берди.

Суҳбат чоғида куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасида ва Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган музокаралардан мамнуният изҳор этилди. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди, элчихоналар ва савдо ваколатхоналарини очиш ҳақида бир битимга келинди, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Президент Республиканинг ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш имкониятлари ҳақида гапириб берди. Бой табиий ва бошқа имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон ҳар қандай давлат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр. Хитой билан муносабатлар хусусида аниқроқ гапирилганда, бир неча йўналишлар таъкидлаб ўтилди. Жумладан, иккала томон ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик учун автомобиль, темир йўл қатновини ривожлантириш, авиация йўлини очиш зарур, деган фикрга келди: Қўшма корхоналарни барпо этиш иккала томоннинг манфаати учун муҳим аҳамият касб этиши керак. Маданият ва санъат арбоблари делегацияларини, мутахассисларни, бир-бирига юбориб туриш, саёҳатчиликни кенгайтириш муносабатларни ривожлантиришда ғоят самарали бўлиши мумкин.

Ли Ланьцин дўстона иззатикром учун миннатдорчилик билдирди. Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси Вань Ли билан ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн номидан у И. А. Каримовни бутун халқ томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганлиги билан табриклади, Ўзбекистон халқига иқтисодий тараққиётда муваффақият ва республикага равнақ тилади. ХХР ҳукуматининг И. А. Каримовга Хитой Халқ Республикасига боришга таклифномаси ҳам топширилди. Хитой томонининг, жумладан, телевизорлар, магнитофонлар ва магнитолалар, тўқимачилик маҳсулотлари, митти тракторлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этиш муддаоси тасдиқланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси У. Т. Султонов, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Т. И. Ойхўжаев қатнашдилар.

Хитой томонидан ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Тянь Цзенпий, ҳукумат делегациясининг аъзолари бўлган бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ОСИЕ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИ

1991 йил 26 декабрь ҚОҲИРА

Тошкент, Ўзбекистон Президенти, Ислом Каримов ҳазрат олийларига

Олий даражада Олмаотада ўтказилган учрашувнинг қарори туфайли мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги тузилганлиги муносабати билан сиз ҳазрат олийларига, Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати ва халқига Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий котибияти номидан ҳамда шахсан ўз номимдан зўр мамнуният билан самимий табриклар ва қутловлар йўллайман.

Шу мавриддан фойдаланиб, биз Африка ва Осиёдаги миллий озодлик ҳаракати тарихида, шунингдек, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотини жипслаштириш ишида Ўзбекистон халқининг ролига юксак баҳо берамиз.

Ўзбек халқи ўзининг шонли фарзанди, халқаро бирдамлик ҳаракатининг таниқли асосчиларидан бири ва фаол иштирокчиси бўлган марҳум оғамиз Шараф Рашидов билан фахрланишга ҳақлидир. Сизларнинг меҳмондўст пойтахтингиз — Тошкент кўпгина муваффақиятли халқаро бирдамлик учрашувлари учун илҳомбахш шаҳар бўлиб хизмат қилиб келди.

Мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги юзага келиши ХХ асрнинг тарихий воқеаси бўлиб, тинчлик, демократия ва иқтисодий равнаққа эришишда ҳамдўстликка аъзо бўлган халқлар қўйган катта қадамдир.

Ўзбекистон халқлар ўртасида бирдамлик, демократия ва ҳамкорлик ишига янада каттароқ ҳисса қўшишига аминмиз.

Янги йил арафасида биз Ўзбекистон халқига барқарорлик, равнақ ва тараққиёт тилаймиз.

Янги йилингиз бахтли бўлсин, янги келажагингиз бахтли бўлсин.

Нури Абдул РАЗЗОҚ,
Бош котиб
Доктор Мурод ҒОЛИБ,
Президент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНМОҚДА

* * *

Нородом Сианукнинг мактуби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Камбоджа раҳбари, ана шу давлат олий миллий кенгашининг раиси Нородом Сианукдан мактуб келди. Мактубда бундай дейилади:

«Камбоджа халқининг топшириғига биноан, олий миллий кенгаш номидан ва шахсан ўз номимдан сизга ушбу мактубни йўллаб, тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо бўлган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилганлиги билан самимий табриклаш шарафига муяссарман.

БМТ аъзоси бўлган мустақил ва ягона Камбоджа номидан мен бошчилик қилаётган Камбоджа олий миллий кенгаши Ўзбекистон Республикасининг истиқлолини, унинг мустақил ва ҳудудий яхлит давлат эканлигини расмий равишда тан олганлигини маълум қилади».

Мактубда халқларимизни бирлаштириб турган анъанавий дўстлик муносабатлари ва уларнинг ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади деб ишонч билдирилган.

Шундай туйғулар билан, деб ёзади Нородом Сианук ўз мактубида, сиз жаноб олийларига Ўзбекистон Республикаси бошлиғи сифатидаги тарихий вазифангизда тўла муваффақият, Ўзбекистоннинг буюк халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб самимий истакларимни йўллайман.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сайланганингиз муносабати билан сизни сидқидилдан муборакбод этаман. Сизга чин кўнгилдан бахт-иқбол ва омон-эсонлик тилайман, шунингдек ватандошларингизга саодат ҳамда ижтимоий ва иқтисодий мустақиллик йўлида омад тилайман.

Ҳурмат билан
Хайнц ШВАРЦ
давлат вазири,
Бонн

* * *

ҚУВАЙТ АМИРИ ОЛИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ДЕВОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ ҳазрат олийларига

Халқингиз сизга ишонч билдирдики, шу муносабат билан Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан зўр мамнуният билан қутловлар йўллайман. Халқингизнинг муддаосини акс эттирувчи оқилона сиёсат ва шу муддаони амалга ошириш йўлидаги тинимсиз куч-ғайратлар мустақилликка эришишга мушарраф этди.

Қувайт халқи халқларнинг курашини ва уларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб, қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари негизида барча давлатлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, инсоннинг бахт-саодатига ва унинг турмушини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ҳамма ишларни табриклайди. Сизга ва дўстпарвар халқингизга ҳозирги ривожланиш босқичида тараққиёт ва равнақ тилаймиз. Биз халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаверамиз, бизнинг ҳамкорлигимиз ва ўзаро манфаатимиз бу алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашаверади. Бу алоқалар янги халқаро вазият шароитида эзгулик ва тинчлик ишига хизмат қилади. Энг яхши тилакларимни ва зўр эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Жобир ал Аҳмад ас-САБОҲ,
Қувайт амири.

* * *

ОТАНГИЗГА РАҲМАТ!

Ўзбекистон Республикасининг биринчи халқ Президенти азиз Ислом Абдуғаниевич!

Буюк ғалаба — адолат ғалабаси муборак бўлсин! Ҳур Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиб сайланганингиз билан Тошкент шаҳар Акмал Икромов райони меҳнаткашлари, юз мингдан ортиқ маҳаллалар аҳли номидан самимий қутлаймиз.

Бу на фақат Сизнинг, балки Ўзбекистонимизнинг, республикамиз халқининг оламшумул ғалабасидир.

Бу номлари поклланган кишиларимиз ҳамда саждага бош қўювчи барча мўминмусулмонларнинг дуоси, буюк алломаларимиз шод руҳларининг мададидир.

Бу кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Сизга бўлган юксак ишончи, садоқати, меҳр-оқибатидир.

Бу қисқа вақт ичида матонатингиз, жасурлигингиз, тадбиркорлигингиз, инсонпарварлигингиз, Ватанга бўлган садоқатингиз, етук сиёсатчи, заковатли иқтисодчи олим, адолатли давлат арбоби сифатида олиб бораётган ва амалга ошираётган ишларингизнинг ширин мевасидир, отангизга раҳмат.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Ўзбекистонимизнинг истиқлол ва истиқбол йўлида яқин йиллар ичида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

Сизга мустаҳкам тансиҳатлик, саодати абадия, омад, улкан зафарлар тилаймиз.

103 ёшли Далибой МУҲАММАДАМИНОВ, Назрулло МАННОНОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ миқёсидаги нафақахўр, САИЁРА ҲАКИМОВА, уй бекаси, Қаҳрамон она, Кудратилла РАФИҚОВ, Халқ депутатлари Акмал ИКРОМОВ, район кенгаши раиси, Шукур ТЕМУРОВ, Тошкент шаҳар кенгаши маҳалла ва уй комитетлари билан ишлаш доимий комиссияси раиси, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси, Шуҳрат ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Акмал Икромов район кенгаши биринчи котиби.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

Бугун Тошкентда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлайди

ИЛТИМОСИМ ШУКИ...

Меҳнат фахрийсиман, 1989 йилдан буён республика кўзи ожизлар жамиятининг аъзосиман. 10 та болам бор. Минг карра шукурки, уларнинг ҳаммаси тўрт мучали соппасоғ. Ғарчи ногирон бўлсам ҳам, орзу ҳавас экан, болаларимга деб ҳовлида янги уй бошлаб қўйгандим. Орадан ўн беш йил ўтса ҳам уни тугаллай олмадим. Нима қилайки, қўлим қисқалик қилди. Охири, кўни-қўшниларимнинг маслаҳати билан ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Яхшиям шундай қилган эканман, у киши аҳволимни тушуниб етдилар. То ишим битмагунча сира ҳам тинчимадилар. Фақат ўзларигина эмас, вилоят, район Кенгашлари аъзоларини ҳам тинчитмадилар. Тўрт-беш маротаба марказдан махсус кишилар келиб аҳволимни сўраб-суриштириб туришди. Фақат ёрдам беришгина қолмай, кўнглимни ҳам кўтаришди. Айтадиларку, яхши сўз жон озиғи деб. Бир оғиз ширин сўз билан кўнглимни тоғдай кўтариб кетишди. Мана, уйим ҳам битди, рўзғорим ҳам ҳар жиҳатдан бут бўлди. Ҳозир ҳеч нарсадан бирор камчилик жойим йўқ.

Мен бу гапларни нима учун айтяпман? Шунинг учунки, мендай ногирон, кўнгли ярим-та одамнинг кўнглини кўтариб худонинг олдида ҳам, бандасининг ёнида ҳам рози қилган одам республикамизнинг Президенти — отахони бўлди. У кишига қилган яхшиликлари учун ҳар қанча раҳмат айтсак, миннатдор бўлсак ҳам оз. Халқни деб яшаган, бутун куч-қувватини, қиммати-ли вақтини ана шу ишга сарф қилган одам сира ҳам кам бўлмайди. Ислом ака, раҳмат сизнинг халқни деб шунчалик ғамхўрлик қилаётганингизга. Сиз бугун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентисиз. Худо ёрлақиб шу даражага эришдингиз, асло кам бўлманг, оллоҳ омадингизни берсин.

Бугун республикамиз Олий Кенгаши сессияси бўлади, деб эшитдим. Мана шу воқеаларга боғлиқ масалалар унда муҳокама қилинар эмиш. Менинг — кўп болали оддий бир фуқаронинг сессияга айтадиган сўзим шуки, республикамизнинг ҳур, эркинлиги, мустақиллиги ҳаммамизга муборакбод бўлсин. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкил топибди. Дўстлик сўзининг маъноси катта. Чин дўст дегани кишини яхши кунида ҳам, ғамли онларида ҳам якка-ёлғиз қўймайди, қўлидан келганича ёрдамини аямайди. Зеро, ҳозирги қийинчиликлар, барча тақчилликлар, турмуш нотинчликлари билан боғлиқ ҳар хил воқеаларнинг ўтиб кетишига, ўтганда ҳам сира қайтмас, такрорланмас бўлиб ўтиб кетишига ёрдам қилади. Ҳа, ҳозирги ғоят қийин кунлар вақтинчалик, олдимизда ойдин кунлар албатта бор. У кунлар келиши тайин. Фақат, илтимосим шуки, халқимизни ана шунга қаттиқ ишонтирайлиқ.

Бектўра СУВОНОВ,
Бекобод районидаги, Ленин номли жамоа хўжалиги.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлаклари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия, қишлоқ, овул ва шаҳар поселкасидан иборатдир.

1. Вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлардаги ноҳиялар, қишлоқлар ҳамда овуллар тузиш ва уларни тугатиш

1-модда. Вилоятларни тузиш ва уларни тугатиш халқ депутатлари тегишли вилоят Советларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Зарурат бўлган ҳолларда ушбу масалалар бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

2-модда. Ноҳиялар, шаҳар ноҳиялари тузиш ва уларни тугатиш халқ депутатлари бўлинаётган (тугатилаётган) ноҳия, шаҳардаги ноҳия ва тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Советларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

3-модда. Қишлоқлар ва овуллар тузиш ҳамда уларни тугатиш халқ депутатлари бўлинаётган (тугатилаётган) қишлоқ, овул Советлари ҳамда халқ депутатлари тегишли ноҳия Советлари раёсатларининг илтимослари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатлари томонидан амалга оширилади.

II. Аҳоли пунктларини шаҳарлар, шаҳар посёлкалари туркумига киритиш, қайта тузиш ва уларнинг бўйсунувини ўзгартириш

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоқ жойларига бўлинади. Шаҳар жойларига шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари, қишлоқ жойларига эса қишлоқлар ва овуллар киради.

Шаҳарлар республикага, вилоятга ёки ноҳияга бўйсунувчи шаҳарлар бўлиши мумкин.

Шаҳар посёлкалари ноҳиялар таркибида ёки халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги ноҳия Советларининг маъмурий бўйсунувида бўлиши мумкин.

5-модда. Республикага бўйсунувчи шаҳарлар туркумига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказ ҳисобланган, аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни республикага бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш халқ депутатлари тегишли шаҳар ва вилоят Советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

6-модда. Вилоятга, республикага (Қорақалпоғистон Республикасига) бўйсунувчи шаҳарлар туркумига камида 30 минг аҳолиси бўлиб, муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган, иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш ёки уларни қайта тузиш халқ депутатлари тегишли шаҳар, ноҳия ва вилоят Советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Раёсати томонидан амалга оширилади. Шаҳарларни республикага (Қорақалпоғистон Республикасига) бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

7-модда. Ноҳияга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган социал-маданий муассасалар тармоғи, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бўлган, аҳолиси камида 7 минг кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳеч бўлмаганда учдан икки қисмини ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил қилган шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Бунда аҳоли пунктининг маъмурий аҳамияти ва келгусида ривожланиш истиқболлари ҳам эътиборга олинмоғи лозим.

Шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларини ноҳияга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш ва қайтадан тузиш халқ депутатлари тегишли посёлка, қишлоқ Совети ҳамда ноҳия ва вилоят Советлари раёсатларининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

8-модда. Шаҳар посёлкаларни туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа хил муҳим объектлар ёнида жойлашган ва аҳолиси камида 2 минг киши бўлиб, уларнинг ҳеч бўлмаганда учдан икки қисмини ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил қилган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳар посёлкалари туркумига, шунингдек санаторий ва дам олиш уйлари жойлашган, аҳолисининг умумий сони 2 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пунктлари ҳам киритилиши мумкин. Лекин бу ердаги санаторий ва дам олиш уйларига келган кишиларнинг сони шу аҳоли пунктида доимий яшаб турган аҳолининг камида 50 фоизини ташкил этиши шарт.

Алоҳида ҳолларда шаҳар посёлкалари туркумига аҳолиси 2 минг кишидан кам, лекин 500 кишидан кўп бўлган, жуда муҳим объектлар ёнида бунёд этилган аҳоли пунктлари, шунингдек бориш қийин бўлган ерларда жойлашган, иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиш ва аҳолисининг сони ортиши истиқболига эга бўлган аҳоли пунктлари ҳам киритилиши мумкин.

Аҳоли пунктини шаҳар посёлкалари туркумига киритиш халқ депутатлари тегишли қишлоқ Совети ҳамда ноҳия Советлари раёсатларининг илтимослари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатлари томонидан амалга оширилади.

9-модда. Қишлоқ ноҳияси таркибида бўлган шаҳар посёлкаларини халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги ноҳия Советларининг маъмурий қарамоғига бериш ёки халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги ноҳия Советларининг маъмурий қарамоғида турган шаҳар посёлкаларини қишлоқ ноҳияси таркибига олиб бериш халқ депутатлари тегишли поселка Совети ҳамда шаҳар ва ноҳия Советлари раёсатларининг илтимосига кўра халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари раёсатлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

III. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлардаги ноҳиялар, қишлоқлар ва овуллар чегараларини ўзгартириш ҳамда маъмурий марказларини кўчириш

10-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг чегаралари фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

11-модда. Вилоятларнинг чегараларини ўзгартириш, шунингдек маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари тегишли вилоят Советларининг илтимоси асосида Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

12-модда. Шаҳарлардаги ноҳиялар чегараларини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари раёсатлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли шаҳардаги ноҳия ва шаҳар Советлари раёсатларининг илтимосларига кўра амалга оширилади.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

13-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар доирасида ноҳияларнинг чегараларини ўзгартириш, янги шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва айрим аҳоли пунктларини бир ноҳиядан иккинчисига ўтказиш, шунингдек қишлоқлар, овулларнинг чегараларини ўзгартириш ва маъмурий марказларини кўчириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, халқ депутатлари тегишли вилоят Советининг раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ, овул Советлари раёсатининг илтимосига мувофиқ амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда айрим қишлоқлар ва овуллар Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг фармони ва халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатларининг халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул Совети ҳамда ноҳия Совети раёсатининг илтимосларига асосланган қарорлари билан ноҳия таркибидан халқ депутатлари шаҳар Советининг маъмурий қарамоғига олиб берилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан шаҳар ёки шаҳар посёлкаси билан боғлиқ бўлган айрим қишлоқ аҳоли пунктлари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг фармони, вилоят Советлари раёсатларининг халқ депутатлари тегишли қишлоқ Советининг илтимосига асосланган қарорлари билан халқ депутатлари тегишли шаҳар ёки шаҳар посёлкаси Советининг маъмурий қарамоғига олиб берилиши мумкин.

14-модда. Ноҳияларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари тегишли ноҳия Совети ҳамда вилоят Совети раёсатининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

IV. Аҳоли пунктларини бирлаштириш

15-модда. Қишлоқ жойларидаги бир-бири билан ўзаро туташиб кетган бир неча аҳоли пунктларини битта аҳоли пунктига бирлаштириш халқ депутатлари тегишли қишлоқ, овул Совети ва ноҳия Совети раёсатининг илтимосларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатларининг илтимосларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг фармони, вилоят Советлари раёсатларининг халқ депутатлари тегишли қишлоқ Советининг илтимосига асосланган қарорлари билан халқ депутатлари тегишли шаҳар ёки шаҳар посёлкаси Советининг маъмурий қарамоғига олиб берилиши мумкин.

14-модда. Ноҳияларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари тегишли ноҳия Совети ҳамда вилоят Совети раёсатининг илтимослари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

Шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларига ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатлари томонидан халқ депутатлари тегишли Советларининг сессияларида қабул қилинган қарорлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

19-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига номлар умумдавлат манфаатлари, жўғрофий, тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда берилади ва ўзгартирилади.

Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларининг номи фақат алоҳида ҳоллардагина ўзгартирилиши мумкин.

20-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси ёки мазкур вилоятда бор бўлган, шаҳарлар ва ноҳияларга эса — Ўзбекистон Республикасида бор бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Вилоят, шаҳар, ноҳия, шаҳардаги ноҳия, қишлоқ, овул, шаҳар посёлкалари ва аҳоли пунктларига одамларнинг номи, шунингдек сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

22-модда. Корхоналарга, темир йўл станцияларига, аэропортларга, муассасаларга, ташкилотларга, ўқув юртлари ва бошқа объектларга, шунингдек маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига давлат, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар, ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбобларининг ҳамда бошқа хизмат кўрсатган кишиларнинг номларини бериш фақат уларнинг вафотидан кейин амалга оширилиши мумкин.

23-модда. Республикага ва маҳаллий идораларга бўйсунувчи корхоналар, темир йўл станциялари, аэропортлар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларига, жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва бошқа хил бирлашмаларга, шунингдек табиий жўғрофий объектларга ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

24-модда. Халқ депутатлари шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советларига бўйсунувчи ҳудудда жойлашган маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари, кўприклар ва бошқа иншоотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли халқ депутатлари Советлари раёсатлари (ноҳияга бўйсунувчи шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ ва овулларда халқ депутатлари тегишли Советлари ижроия қўмиталари) томонидан амалга оширилади.

25-модда. Маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктининг бошқа таркибий қисмларига одамларнинг номини бериш халқ депутатлари тегишли Советлари раёсатларининг илтимослари асосида халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари, раёсатлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

VI. Маъмурий-ҳудудий бўлакларга, аҳоли пунктларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш

18-модда. Вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳияларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан халқ депутатлари тегишли Советларининг илтимосига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларига ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят Советлари раёсатлари томонидан халқ депутатлари тегишли Советларининг сессияларида қабул қилинган қарорлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

19-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига номлар умумдавлат манфаатлари, жўғрофий, тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда берилади ва ўзгартирилади.

Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларининг номи фақат алоҳида ҳоллардагина ўзгартирилиши мумкин.

20-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси ёки мазкур вилоятда бор бўлган, шаҳарлар ва ноҳияларга эса — Ўзбекистон Республикасида бор бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Вилоят, шаҳар, ноҳия, шаҳардаги ноҳия, қишлоқ, овул, шаҳар посёлкалари ва аҳоли пунктларига одамларнинг номи, шунингдек сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган номлар берилишига йўл қўйилмайди.

22-модда. Корхоналарга, темир йўл станцияларига, аэропортларга, муассасаларга, ташкилотларга, ўқув юртлари ва бошқа объектларга, шунингдек маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига давлат, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар, ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбобларининг ҳамда бошқа хизмат кўрсатган кишиларнинг номларини бериш фақат уларнинг вафотидан кейин амалга оширилиши мумкин.

23-модда. Республикага ва маҳаллий идораларга бўйсунувчи корхоналар, темир йўл станциялари, аэропортлар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларига, жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва бошқа хил бирлашмаларга, шунингдек табиий жўғрофий объектларга ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

24-модда. Халқ депутатлари шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советларига бўйсунувчи ҳудудда жойлашган маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари, кўприклар ва бошқа иншоотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли халқ депутатлари Советлари раёсатлари (ноҳияга бўйсунувчи шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ ва овулларда халқ депутатлари тегишли Советлари ижроия қўмиталари) томонидан амалга оширилади.

25-модда. Маҳаллалар, проспектлар, кўчалар, тор кўчалар, ҳиёбонлар, истироҳат боғлари ва аҳоли пунктининг бошқа таркибий қисмларига одамларнинг номини бериш халқ депутатлари тегишли Советлари раёсатларининг илтимослари асосида халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари, раёсатлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади.

VII. Аҳоли пунктларини ҳисоб қилиб бориш ва рўйхатга олиш

26-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят доирасида мавжуд аҳоли пунктларини ҳисоб қилиб бориш ва янги пайдо бўлган аҳоли пунктларини рўйхатга олиш ишлари, халқ депутатлари ноҳия (шаҳар) Советлари раёсатларининг илтимосларига мувофиқ, тегишлича, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят Советларининг раёсатлари томонидан амалга оширилади.

Вақтинчалик аҳамиятга эга бўлган ва аҳолиси доимий бўлмаган кичик (хўжаликлари сони 10 тадан ошмайдиган) аҳоли пунктлари алоҳида ҳисобга олинмайди, балки хўжалик, маъмурий ёки ҳудудий жиҳатдан улар қайси аҳоли пункти билан боғлиқ бўлса, ўша аҳоли пунктига қўшиб ҳисобга олинади.

Аҳолиси кўчиб кетган ёки бошқа жойга кўчирилган аҳоли пунктлари халқ депутатлари ноҳия (шаҳар) Советлари раёсатларининг илтимосномаларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати, халқ депутатлари тегишли вилоят Советлари раёсатлари томонидан ҳисобдан чиқарилади. Қонунда белгиланган тартибда шаҳар, шаҳар посёлкаси доирасига кирган ёки бошқа аҳоли пунктлари билан бирлаштирилган аҳоли пунктлари ҳам ҳисобдан чиқарилган ҳисобланади.

27-модда. Маъмурий-ҳудудий бўлакларни ифодаловчи атамалар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва зарур ҳолларда аутентик таржимада рус ва бошқа тилларда ёзилади.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари раёсатларига ушбу қонунга илова қилинган рўйхатда кўрсатилган ҳужжат ва маълумотномалар топширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советларининг раёсатлари маъмурий-ҳудудий бўлинишда ушбу қонунга мувофиқ юз берган ўзгаришлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига ҳар ойда хабар бериб турадилар.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларини тузиш, тугатиш, уларга ном бериш, номини ўзгартириш, аҳоли пунктларини шаҳарлар, шаҳар посёлкалари тоифасига ўтказиш, қайта тузиш ва уларнинг бўйсунишини ўзгартириш, Қорақалпоғистон Республикасининг вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлардаги ноҳиялар, қишлоқлар, овуллар чегараларини ўзгартириш ҳамда уларнинг маъмурий марказларини кўчириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш, ҳисобга олиш ва қайд этиш, шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг фармонлари, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари раёсатларининг қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси»да эълон қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 26 декабрдаги фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

• МУТАХАССИСЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ Ў З О Л Т И Н ХАЗИНАСИ БЎЛАДИ

Жумҳуриятимиз учун 1991 йил саодатли келди. Халқимиз, она юртимиз энг муқаддас орзуси — мустақилликка эришди. Эндиликда барча маънавий ва табиий бойликлар Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулкига айланди, ер ости хазиналари — олтин, кумуш, рангли ва нодир металлар, энг қимматбаҳо стратегик хом ашё бўлган уран ҳамда юзлаб бошқа ресурслар бундан буён жумҳурият халқи манфаатларига хизмат қиладиган бўлди.

Хўш, бугунги кунда ушбу битмас-туганмас бойликларни, жумладан қимматбаҳо олтинни қазиб олиш, хазина сифатида сақлаш қай аҳволда? Умуман, яқин вақтлар ичида Ўзбекистоннинг олтин хазинаси бўладими?

Сир эмас, мустақилликка эришгунимизга қадар жумҳуриятимиз ҳудудида жойлашган барча олтин конлари собиқ СССРнинг олтин хазинасини тўлдирувчи хом ашё базаси сифатида хизмат қилди. Ўзбекистон, айтиш мумкинки, мамлакатнинг асосий валюта цехларидан бирига айланди. Бироқ бу юртда яшаётган халқ бундан сариқ чақалик наф кўрмади. Аксинча, жуда катта табиий бойликларга эга бўлган меҳнатсевар, сабр-тоқатли халқ қарздор деган таъналарни эшитиб келди.

Тоталитар тузумнинг, марказнинг айёрона сиёсати туфайли жумҳуриятимиздаги кўплаб йирик олтин конлари ва улар асосида барпо этилган комбинатлар, маъдан бойитиш фабрикалари Москвадаги Иттифоқ вазирлиги ихтиёрига бериб қўйилди. Қазиб олинган қимматбаҳо маҳсулот Ўзбекистон қуёшини кўрмасдан, пешма-пеш марказдаги махсус заводга жўнатиб турилди. Россия федерацияси ҳузурида жойлашган ва собиқ СССРда ягона бўлган бу корхонада юртимиздан юборилган олтин хом ашёси қайта ишланиб, соф олтин ҳолида (99,9 фоиз) ажратиб олиниб, умумиттифоқ мақсадларига яратиб келинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу қайта ишлаш заводининг қаерда жойлашгани, қанча хом ашёни қайта ишлаши ўтган даврда ўта махфий бўлиб, қаттиқ назорат остида сир сақлаб келинган. Бу корхона учун ускуналар ҳам махсус тайёрланиб, фақат шу завод эҳтиёжини қондиришга етарли бўлган. Тўғри, ўтган йилларда жумҳуриятимиздаги Зарафшон олтин бойитиш фабрикасида ҳам соф олтин ажратиб олувчи мўъжазгина аффинаж цехи ишлаб турган. Бироқ бу цехнинг қуввати ва технологик имкониятлари жуда чекланган бўлиб, фақат Қизилқум зонасидан келтирилган кварцли қум таркибидан соф олтинни ажратиб олиш имконини берган, холос.

Бизда турли хил маъданлар таркибидан соф олтин ва кумушни ажратиб олувчи универсал технология ва усуллар йўқлиги туфайли уларни муттасил равишда четда қайта ишлашга тўғри келди. Ҳатто рангли металларнинг бошқа хиллари — мис, қўрғошин, руҳ, қалайи ва бошқа маъданлар ҳам собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларидаги рангли металлургия заводларига жўнатилган. Бу корхоналарда биздан юборилган металл ҳом ашёлари қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчиларга тарқатилган.

Ҳайрият, Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилиниши ва жумҳуриятимиз Президентининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари эвазига ўлкамиз ҳудудидаги бутун ер ости бойликлари, шу жумладан, олтин ва кумушни ҳам четга олиб чиқиб кетилишига батамом чек қўйилди. Натижада Ўзбекистон олтин хазинасини яратиш учун чинакам асос яратилди. Эндиликда жумҳуриятимизда соф олтин ажратиб олиш (аффинаж) цехини барпо этиш учун тўла имкониятлар пайдо бўлди.

Республика ҳукуматининг топшириғига биноан, биз мутахассислар Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикаси қошида Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли барча фабрикалардан олинадиган хом ашёлардан соф (99,9 фоиз) олтин ва кумуш ажратиб олишга мўлжалланган махсус цех қуришни режалаштирган эдик. Ҳозир бу тадбирни амалга ошириш учун илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини бошлаб юборганмиз.

Биздаги олтин конларидан ва маъдан бойитиш фабрикаларидан хилма-хил, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи хом ашё маҳсулотлари олинади. Бу маҳсулотлар таркибидан соф олтин ва кумушни ажратиб олиш учун уларнинг минерологик, геокимёвий ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқловчи мураккаб технология усулини яратиш талаб этилади. Тўғриси, юқорида таъкидлаганимиздек, бундай технология усули ҳали жумҳуриятимизда яратилган эмас. Ушбу технологияга эга бўлган Россиядаги завод эса бизга катта талаблар қўймоқда. Шу боис, биз ҳам тезлик билан маҳсулотимиз шарт-шароитига мос келувчи мазкур технологияни яратишимиз зарур.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Биринчидан, қисқа вақт ичида олтин ишлаб чиқариш саноати соҳаси бўйича маҳаллий миллат вакилларидан ёш кадрлар ҳисобига мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишимиз лозим. Иккинчидан, ташкил этилаётган соф олтин ажратиб олувчи (аффинаж) цех учун замонавий асбоб-ускуналарни бевосита ҳориждан сотиб олиш масаласини ҳал қилиш керак.

Учинчидан эса, Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш саноати соҳасидаги муаммолар ечими билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ўта муҳим. Фикримизча, ушбу марказни ташкил этишга жумҳурият Фанлар академияси табиий ва техника фанлари бўйича етакчи олимлари жалб қилинса, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яқинда Ангрен олтин кони директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ш. Нажимов ташаббуси билан бу ердаги кон базасида илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказда 1992 йилдан бошлаб Россиянинг «Алмаззолотоавтоматика» ва «Сибцветметавтоматика» институтлари билан ҳамкорликда асбоб ва қурилмалар тажриба тариқасида синовдан ўтказилади.

Албатта, жумҳуриятимиздаги бу соҳага тегишли мутахассислар ҳам қараб туришгани йўқ. Янги йил арафасида биз Зарафшон олтин ишлаб чиқариш заводи мутахассислари билан ҳамкорликда соф олтин ажратиб олиш борасидаги дастлабки тадқиқотимизни муваффақиятли якунладик. Ушбу технология жумҳуриятимизда биринчи марта яратилган бўлиб, уни келажакда ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш мўлжалланмоқда. Ҳозир илмий-тадқиқотнинг дастлабки натижалари асосида Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикаси қошида аффинаж цехини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Январь ойидан эътиборан мазкур цех қурилиши бошлаб юборилади. Уни 1993 йилда тўлиқ ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур цехнинг тўла, мукаммал иш фаолиятини йўлга қўйиш учун энг замонавий асбоб-ускуналар лозим бўлади. Бундай ускуналар илгари Иттифоқда фақат махсус завод учун чиқарилган, холос. Эндиликда биз ажратиб олган олтин жаҳон бозори талабларига тўла мос келиши учун янги қурилаётган цехни юқоридаги сингари замонавий ускуналар билан таъминлашимиз керак. Биз бу соҳада ҳамдўстлик рангли металлургия корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари янгиликлари билан танишишга ҳаракат қилдик. Жумладан, Санкт-Петербург шаҳридаги «Оптика-механика» бирлашмаси, «Госметр» заводида бўлиб, фойдали шартномалар тузишга ҳам улгурдик. Бу шартномаларга мувофиқ, улар бизга керакли асбоб-ускуналар етказиш ва уларни олтин бойитиш фабрикаларида ўрнатиб бериш, шунингдек, ёш кадрлар тайёрлашда ҳам ёрдам берадиган бўлишди.

Булардан ташқари Новосибирск шаҳрида жойлашган рангли металлургия заводи билан Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли барча фабрикалардан олинадиган хом ашё маҳсулотларидан соф олтин ва кумуш ажратиб олиш ҳамда уларни яна махсус комиссия назорати остида жумҳуриятга қайтариш ҳақида ҳам келишиб олдик. Бу битим вақтинчалик бўлиб, ўзимизда цех ишга тушгандан кейин барча ишлар жумҳурият ҳудудида олиб борилади.

М. ҒОФУРОВ,
Ўрта Осиё рангли металлар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг етакчи илмий ходими, геология-минерология фанлари номзоди.

Н. НОМОЗБОЕВ,
Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмасининг маъдан бойитиш бўйича бош мутахассиси.

Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли давлат хўжалигида Қудрат Шербеков оилясини кўпчилик танийди. Бу оила ўтган йили хўжаликдан 50 минг сўм қарз олиб, фермер хўжалигни ташкил қилганди. Ҳозиргача 9 тонна гўшт, 27 тонна сут тайёрлаб хўжаликка топширди.
Суратда: оилавий фермер аъзоси Барно Шербекова.
У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК НАФ КЕЛТИРЯПТИ

Уйчи илакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари яқиндан бошлаб яна икки хил янги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдилар. Эндиликда аёллар учун тикилган симли рўмолдан ташқари, духоба газламаси ҳам ишлаб чиқариляпти.

Дарвоқе, янги маҳсулот учун хом ашёни Краснодар ўлкасидаги ип-йигирув комбинати етказиб бермоқда. Россиялик ҳамкасблар духоба тўқувчи дастгоҳларни ҳам келтиришди. Ҳозирча 22 та дастгоҳнинг 12 таси ўрнатилди. Қисқа вақт ичида қарийб 2 минг метрдан зиёд духоба тўқиб чиқарилди.

Уйчилик тўқувчилар яқин вақт ичида корхона қувватини янада ошириш чоратадбирларини кўришяпти. Шу мақсадда янги ишлаб чиқариш биноси қуриб битказилди. Бу бинога 84 та замонавий дастгоҳлар ўрнатиляпти. Маҳаллий йигит-қизлардан 30 нафари ушбу дастгоҳларни бошқариш тажрибасини Краснодардаги ҳамкор корхонада бўлиб, ўрганиб қайтдилар.

И. РУСТАМОВ,
Наманган вилояти.

«Ўзбекистон овози»
материаллари изидан

«ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН»

Рўзномамизнинг ўтган йил 5 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилган бўлиб, унда Беруний районидаги қўйларни бўрдоқига боқиш ва қоракўлча олиш комплекси қурилиши чўзилиб кетаётгани, шунинг дек озуқа базасини мустаҳкамлаш учун суғориладиган майдонлар ажратилмаётгани танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ҚОРАКЎЛ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИдан расмий жавоб олинди.

— Мақола бирлашма раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди. Шу нарса маълум бўлдики, унда Қорақалпоғистон республикаси Беруний районидаги қўйларни бўрдоқига боқиш ва қоракўлча олиш комплексидаги камчиликлар жуда тўғри ёритилган.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон республикаси қурилиш ташкилотларининг айби билан 1984 йилда тикланабошланган комплексдаги қурилиш ишлари ҳануз тугалланган эмас. Шуни назарда тутиб, аҳволни ўнглаш мақсадида Қорақалпоғистон республикаси «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмасига қурилиш ишларидаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда тез орада тугатиш, шунингдек бўрдоқичилик комплексининг қувватини ҳисобга олган ҳолда уни керакли миқдорда қўй билан таъминлаш, қўй гўштини кўпайтириш чораларини кўриш топширилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қоракўлчиликни ривожлантириш ҳақида» ги қарор-лойиҳаси тайёрланди. Ҳозир қарор-лойиҳа муҳокамада бўлиб, унда қўйларни бўрдоқига боқиш билан шуғулланадиган ҳар бир комплекс учун озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида камида 500 гектар суғориладиган ер ажратиш кўзда тутилган. Мазкур қарор қабул қилингач, Беруний районидаги комплекс учун ҳам суғориладиган ер майдони ажратилади.

•ИБН СИНО МАДАДИ

Кейинги пайтларда халқимиз ва соғлиқни сақлаш муассасалари минг йиллик тажрибага эга халқ табобатига катта эътибор беришмоқда. Халқ табобатидан фойдаланишнинг оқилона йўллари изланмоқда ва у амалиётда қўлланилмоқда. Мухбиримиз бу ҳақда Н. А. Семашко номидаги Тиббий қайта тикланиш ва физикавий терапия илмий-тадқиқот илмгоҳининг анъанавий шарқ табобати республика маркази раҳбарининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач Усмон ШОҒУЛОМОВ билан суҳбатлашди.

СОҒЛИҒИНГИЗ Ў З Қ Ў Л И Н Г И З Д А

— Халқ табобатининг аҳамияти бебаҳолигини ҳаммамиз яхши биламиз, — деди Усмон Шомуродович. — Республикамиз тиббиётчилари ўтмишда кенг қўлланилган даволашнинг турли усулларини тадбиқ этишга астойдил киришмоқдалар. Лекин афсус билан айтиш мумкинки, бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатларга қараганда ана шу бой меросни қўлланишда бирмунча ортда қолмоқдамиз.

Республикамизда шу йўналишда кадрлар тайёрлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатининг қарорига биноан бу муҳим иш Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи ва бизнинг илмгоҳимизга юклатилган.

Яна бир муҳим муаммони айтиб ўтай. Бизнинг марказда турли хасталиклар ўз вақтида даволанмоқда. Жумладан кардиология, неврология, гастроэнтерология, гинекология, артрология, пархезшунослик, пульмонология, педиатрия соҳаларидаги етакчи мутахассислар олимлар мамлакат Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Карим Иўлдошевнинг умумий раҳбарлигида маслаҳат қабулини олиб бораётирлар. Зарур ҳолларда тўлиқ текширувдан ўтиш тайинланяпти, тавсиянома ва даволаш йўл-йўриқлари бериляпти.

Худди шу ўринда тошкентлик бемор Б. нинг хасталиги ҳақидаги касаллик варақасига назар ташлайлик. У анча йилдан буён бош оғриғи билан хасталанар ва даво тополмас экан. Етакчи мутахассисларимизнинг текширувидан сўнг биз беморга шарқ табобатининг муҳим анъаналаридан бири нина-рефлекс муолажасини буюрдик. Бемор икки ҳафтада бутунлай хасталикдан холи бўлганлигини билдирди. Илмгоҳимиз шифохонасида ўз дардига даво топиб, дил сўзларини ёзиб қолдираётган ва меҳнат қучоғига бардам бўлиб қайтаётганлар кўпайиб бораётир.

Ҳақиқатан касалликнинг турли шаклларида саломатликни тиклаш учун анъанавий ва шарқ табобатининг нина-рефлекс муолажаси, электр-пунктура, лазерпунктура, гальванопластотерапия, гемотерапия, йоготерапия, мануальтерапия, фитотерапия, оксигенотерапия, парафин-озакерит муолажаси, балчиқ муолажаси, қўл тегизмай уқалаш усуллари қўлланиладиган турли поликлиникалар ва шифохона ишлаб турибди. Шунингдек, аппаратли физиотерапиянинг замонавий усуллари ҳам кенг қўлланиляпти.

Кейинги йилларда Ҳиндистоннинг йогатерапия илмгоҳи билан ҳамкорликда олиб бораётган илмий-тадқиқотларимиз ҳам яхши самаралар бермоқда. Бу самаралар катталар ва болаларнинг ички асаб касалликларини даволашда қўл келмоқда.

Шифобахш гиёҳлар усули билан даволашга алоҳида эътибор бераётганлигимиз кўпчиликни мамнун этаётир. Бунда шифобахш ўсимликлардан кенг фойдаланяпмиз. Яқин орада мана шундай шифобахш гиёҳлар дорихоналарини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Уларда Ибн Сино ва Ўрта Осиёнинг бошқа олимлари томонидан қўлланилган усулларни ҳам амалиётга кенг тадбиқ этмоқдамиз.

Илмгоҳимизда шифобахш гиёҳлар маскани иш олиб боряпти. Унда турли хасталикларни даволашга мўлжалланган ўттиздан ортиқ ўсимликдан даволаш чойлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари илмгоҳимизнинг шу соҳа мутахассислари кучи билан Тошкент вилояти шифохонасида, «Чинобод» санаторийсида, тамаки фабрикасида ана шундай шифобахш гиёҳлардан тайёрланган даволаш чойлари берилмоқда. Яқин кунларда эса бу ишни «Юлдуз» фабрикасида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи тиббиёт-санитария қисмида, «Россия» меҳмонхонасида ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

ОМИЛКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозир жамиятимиз мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Халқ бошига тушган ночорлик юкини олиб ташлашнинг бирдан-бир йўли бозор иқтисодиётига ўтишдир.

Бозор, бу — ўз номи билан бозор. Бу ердан ҳар бир киши хоҳлаган нарсасини олиши мумкин бўлиши шарт. Агар бозорда маҳсулот ёки товар эҳтиёждан кам бўлса, нарх-наво қиммат бўлиши, ёки аксинча сероб бўлса, арзон бўлиши лозим. Ҳозирги асосий мақсад — келгусида ана шу серобчилик ва арзончиликни таъминлашдан иборат.

Аммо бунга ўз-ўзича эришилмайди. Мўл-кўлчиликка эришиш учун, аввало, ҳар бир одам ишбилармон бўлиши керак. Лекин афсуски ҳозир ҳаракат қилиш ўрнига ишбилармонлик ҳақида кўп гапираднган, маслаҳат берадиганлар анчагина. Ўз олдига қўйган мақсади сари дадил интилувчи, билимли қатъиятли, ғайратли, фидокор инсонлар ҳам бор. Улар ҳозирги қийин шароитда турли тўрачилик тўсиқларига қарамай изланмоқдалар. Интилганга толе ёр, деганларидек уларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли ишлар юришиб, имкониятлар кўпайиб борянти.



Жамоа хўжалиги раиси Рустамжон Усмонов.

СОВЕТОБОДЛИК Рустамжон Усмоновнинг фаолияти бунга яққол мисол бўлиши мумкин. У тиниб-тинчимас, янгиликка ўч одам. Фойда билан зарарнинг фарқини яхши биладн. Рустамжон ҳам ҳалол, ҳам қайсар, ҳам талабчан. Ҳалоллиги туфайли одамларнинг ҳурматини қозонянти.

У бош бўлган хўжалик жамоасида ўзи каби ҳалол, баракали ишлашни талаб қилмоқда. Ишлаганлар кам бўлишмаяпти. Шунга яраша юқори даромад олишаётир. Бу ҳақда кейинроқ айтиб ўтамиз.

Аммо қайсарлиги ва ҳақгўйлиги ҳаммага ҳам ёқяпти, деб бўлмайди.

— Тўғри яшаб, тўғри қилиш, меҳнатига яраша яшаш ўрнига қинғир йўллар билан бойлик орттиришга уринаётганларни кўрсам чидаб туролмайман. Дилимдагини тилимга чиқараман, — дейди Р. Усмонов биз билан суҳбатда. — 1984—85 йилларда Қўрғонтепа районидаги Тошохур паррандачилик фабрикасида бош иқтисодчи бўлиб ишладим. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликларни сезиб, газетага мақола ёздим.

Ҳа, у виждонига яраша иш тутди. Фабрикада юз минг дона тухум, 1800 бош парранда қўшиб ёзилганлигини очиб ташлади. Аммо, виждон деганда жиғилдонни ўйлайдиганлар уни ишдан бўшатишди. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди, деганларидек масалага вилоят идоралари аралашгач, у ишига тикланди. Бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириб берилди.

Уни бундан кейин ҳам тинч қўйишмади. Қилдан қийиқ ахтариб фирибгарликда, туҳматчиликда айблашди. Беиш ҳам қолди. Ҳақлигини исботлаш учун идорама-идора югурди. Р. Усмонов аслида ўзи ишлаган ерда ҳақиқат қарор топишини кўзлаганди. Нияти ҳамманинг бирдек жон куйдириб ишлашини таъминлаш эди. Имконият топилганда буни амалда исботлади.

Бундан уч-тўрт йил олдин мамлакатимизда ширкатлар тузишга кенг йўл очилди. Бу иш жумҳуриятимизда ҳам авж олди. Кези келса фурсатни қўлдан бермайдиган Рустамжон бир амаллаб «Орзу» деб номланган ширкат тузди. Ширкатга дастлаб беш киши аъзо бўлиб кирди. Ишни бошлаб юбориш учун пул зарур эди. Бунинг учун ҳар бир кишидан 100 сўмдан пул йиғилди.

Кичик бир бинони ижарага олган жамоа пойабзал учун таглик ишлаб чиқара бошлади. Ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилишди. Тийинлар тежалиб, сўмга айланди. Маҳсулот тайёрлаш кўпайди. Аммо қулочни кенг ёйиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ишлашнинг ўзи озлик қиларди.

Ана шунда Р. Усмоновнинг изланиши, елиб-югурувчанлиги қўл келди. Ширкатни оёққа турғазиш ниятида асаларичилар билан шартнома тузди. Улардан 60 тонна асал олиниб, қадоқлаб сотилди. Даромад чакки бўлмади. 18 минг сўм фойда олинди.

Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деганларидек қўлларига пул тушган ширкат аъзолари қаддиларини ростлаб қадамни залворлироқ қўйиш имконятига эга бўлдилар. Фақат пойабзал таглиги ишлаб чиқариш билан чекланмай тикувчилик, дурадгорлик цехлари очишди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Иш юритишда қаттиқ интизом, юқори сифат, буюртмани ўз вақтида бажариш асосий шиорга айланди. Одамлар керакли буюмни ҳам, хизматни ҳам белгиланган муддатда сифатли ҳолда оладиган бўлишди. Шунинг учун ҳам ширкатнинг довруғи тез ёйилиб, мижозлар ортганидан орта борди.

Мижозлар кўпайган сари даромад ҳам оша борди. Пул пулни топади, деганларидек билиб жойига сарфланган ҳар бир сўм ишбилармонларга бир неча баробар ортиғи билан қайтиб келяпти.

Район тайёрлов ташкилотлари ҳам асаларичилар билан шартнома тузишга ҳаракат қилишяпти. Ҳатто улар одамлардан олинадиган асалнинг баҳосини Усмонов бошчилигидаги шароитникидан қимматроқ қилиб белгилашган. Аммо негадир арзон бўлса ҳам кўпчилик маҳсулотини ширкатга топширяпти.

Буни ажабланадиган жойи йўқ. Ҳақиқий меҳнаткаш бир-икки сўмнинг фарқига бормайди. Агар фойда олмаса, шартнома ҳам тузмайди. Фақат ўз иши билан бемалол ишлашига имконият бўлса-бўлгани. Хўш, кўпчилик асаларичилар ҳозирги «Дўстлик» колхозига (илгари «Орзу» ширкати) нега аъзо бўлишга интилишмоқда!

МАЪЛУМКИ, асалари доимо назоратни талаб қилади. Йил фасллари, табиий шарт-шароитга қараб бир жойдан иккинчи жойга тез-тез кўчириб турилиши керак. Агар асалари уяси кўп бўлса, асаларичининг ўзи бу юмушни эплай олмаслиги аниқ. Транспорт қидириши, елиб-югуриши, кимларгадир ялиниши, кутиши керак.

Колхоз эса, уларни транспорт билан тўла таъминлаяпти. Асаларичилар машина учун буюртма беришса бас, у ўзлари кутгандан ҳам аъло қилиб бажарилади. Чунки ҳайдовчилар меҳнатига баҳо беришда уларнинг буюртмани тез ва соз бажариши асосий мезон қилиб олинган.

Ҳозир колхоз ихтиёрида 50 дан зиёд автомашина бор. Уларнинг бир қисмигина янги. Қолганлари бузуқ ҳолда сотиб олиниб, таъмирланган машиналар. Шунга қарамай гаража бирортa бекор турган машинани кўрмайсиз. Чунки ҳайдовчилар кун ўтгани учун эмас, келтирган фойдаси учун даромад оляпти. Шунинг учун яхши ишлаганлар ойига икки-уч минг сўмдан маош олишаётир.

Меҳнат кишиси бошқа нарса билан чалғимай ўз ишини қилсагина ҳаракатида барака, турмушида ҳаловат бўлади. Ҳозир қаерга борманг танқислик. Одамлар арзимаган нарса учун вақтларини дўконлар олдида навбат кутиш билан ўтказишяпти. Шунда ҳам керакли нарса топилса қанийди!

Рустамжон Усмонов эса узоқ жойларда асалари боқаётганларга ҳам хизмат кўрсатяпти. У бошқа жумҳуриятлардаги корхоналар жамоаларига асал етказиб бериб, у ерлардан зарур молларни келтириб, хўжалик аъзоларига ўз транспортида етказиб беряпти.

Биз «Дўстлик» колхозида бўлганимизда омборхонада тахланиб турган қоп-қоп шакар, турли маркадаги енгил машиналар шиналари, телевизорлар, музлатгичлар, бошқа рўзғор буюмларини кўрдик. Уларнинг баҳоси давлат нархидан бироз қиммат бўлса-да, тижорат дўконларидагидан анча паст. Бунинг устига улар асал топширганларнинг уйларига етказиб берилади. Шунинг учун ҳам асаларичилар маҳсулотларини колхозга топширишяпти.

Натижада колхоз тасарруфидаги асалари оилалари тобора кўпайиб боряпти. Бугунги кунда уларнинг сони 25 мингтадан зиёд. Хўжалик асални қадоқлаб сотишдан 1988 йилда 200 минг, 1989 йилда 2 миллион, ўтган йили эса 10 миллион сўм даромад кўрди. Шу маблағ хўжалик аъзоларининг тасарруфида.

Сўнгги пайтда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлаётгани ҳақида кўп ёзиляпти. Бу фақат республикамиздагина эмас, бутун иттифоққа хос муаммо. Бироқ, омилкорлик билан иш юритилса, уни ечиш, истеъмолчига маҳсулотни тўла етказиб бериш мумкин экан. Буни «Дўстлик» колхози фаолиятида яққол кўрса бўлади.

Колхозда шу йил ёзда консерва ишлаб чиқарадиган цех қурилди. Мева шарбатлари, аччиқ қалампир, булғор қалампири каби ўнлаб номдаги маҳсулотдан қисқа муддатда 500 минг шартли банка консерва тайёрланди.

Хўш, районда маҳсулот етиштириш учун ўз ери бўлмаган колхоз шунча консервани қандай тайёрлайди, дерсиз. Гап билгунча иш билгин, деганларидек, изланса имконият топиларкан.

Масалан, қўшни Фрунзе номли колхозда ҳар йили бўлғор қалампири уруғи тайёрланди. Уруғи олинган қалампир эса хўжаликда консерва цехи йўқлиги учун айнитиб ташлаб юборилади. «Дўстлик» колхози аъзолари уни арзон нархда олиб, консервалашмоқда. Қарабсизки, сих ҳам куймайди кабоб ҳам. Яъни бир томондан маҳсулот исрофгарчилигига барҳам берилган бўлса, иккинчи томондан Фрунзе номли колхоз ҳам, «Дўстлик» колхози ҳам фойда кўрмоқда.

Хўжалик жамоаси Қирғизистоннинг Ўш областида ташландиқ ҳолга келиб қолган 31 гектар боғни ижарага олишди. Боққа қисқа вақтда сув олиб чиқилди. Эски дарахтлар кесиб ташланиб ўрнига янги серҳосил мева навлари экилди. Ерлар яхшилаб ўғитланди. Яхши ишлов берилган, бўрсилдоқ ерлар одамларнинг меҳнатига яраша саховатини дариғ тутмади. Биринчи йилиёқ боғдан 130 минг сўм фойда олинди. Аслида боғ кейинги йилларда сурункали равишда зарар келтираётганди.

Яна бир гап. Рустамжон Усмонов ижарага олинган ерларга бошқа ердан одам келтириб ишлатмади. Ер маҳсулдорлигини шу ерда илгари ишлаганларнинг ўзлари оширдилар. Фақат меҳнатга муносабат ўзгарди, холос. Боғдан чиққан мева-сабзавотлар консерва цехига келтирилиб, қайта ишланди. Натижада исрофгарчилик йўли беркилди. Фойда кўпайди.

Колхозда ташкил этилган «Элегант», деб ном берилган тикувчилик цехи маҳсулотларига фақат Советободдагина эмас балки вилоятда талаб катта. Бунинг боиси бор албатта.

Масалан, ҳозирги танқислик ҳамма ерда, хусусан тикувчилик корхоналарида қаттиқ сезиляпти. Материал бўлса ип етишмайди, ип бўлса тугма, тугма бўлса машина механизмларининг эҳтиёт қисмлари анқонинг уруғи бўлиб қолган. Шунинг учун аҳоли бир амаллаб тикилган кийим-кечакларни сифатсиз бўлса-да борига шукур қилиб олиб кетмоқда.

«Дўстлик» колхози чеварлари ҳеч нарсага зориқишмайди. Чунки бошқа республикалардаги шериклар билан тузилган шартномага мувофиқ бартер усулида материал ҳам, ип ҳам бошқа керакли нарсалар ҳам ўз вақтида келиб турибди. Чеварлар ўз обрўларини тушурмаслик учун фақат чиройли, пишиқ пухта кийим-кечак тикиб одамларни мамнун этишяпти.

Агар раис билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, аввало, гапни чувалчангдан бошлайди. Чувалчанглар колхозимизнинг асосий бойлиги, келажак тараққиётимизнинг асоси дейди. Дарҳақиқат, ўйлаб кўрилса бу жониворлар аввало инсон соғлиғининг пойдевори, қолаверса, фойданинг кони экан.

Маълумки, айрим деҳқонлар минерал ўғитларсиз ҳосил етиштиришни тасаввур ҳам қилишмайди. Чет элга сотилган пахта ёғи таркибида нитрат кўплиги учун қайтариб юборилганлигини кўпчилик билади. Селитирали қовун-тарвуздан йилига қанчадан-қанча одам касалланиши оддий ҳол бўлиб қолган.

Полиз маҳсулотлари у ёқда турсин барча турдаги сабзавот экинларига минерал ўғитлар, айниқса, селитра солиниши қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига аён.

Ҳаммамиз уни инсон организми учун жуда зарарли эканлигини ҳам яхши тушунамиз. Аммо илож қанча. Дала неъматларида захар бўлса ҳам ейишга мажбурмиз. Ерларимиз дори еявериб гиёҳванд бўлиб қолган. Шунинг учун ҳозирги шароитда биологик тоза маҳсулот етиштиришга илож йўқ, деб ўйлаймиз.

Харидоргир кийим-кечаклар шу цехда тикилади.

Лекин илож бор экан. Рустамжон Усмонов буни амалда исботлади. У Иваново-Франковск вилоятига бориб, гумус тайёрлаб берувчи Калифорния чувалчанглари етиштириш технологиясини ўрганди. У ерда ташкил этилган биогумус илмий-тадқиқот институти билан шартнома тузди. Беш миллион дона чувалчанг олиб қайтди.

Экинлардан юқори ҳосил олиш учун бир гектар ерга икки тонна биогумус солиш кифоя. Унинг қуввати уч йилга етади. Усмонов райондаги Фрунзе номли сабзавотчилик ва уруғчилик давлат жамоа хўжалигининг картошка сақлайдиган омборини ижарага олиб, чувалчангларни ўша ерда парвариш қиляпти.

Калифорния қизил чувалчанглари ўта фаоллиги, сермаҳсуллиги, саноат усулида кўпайтиришга қулайлиги билан оддий ёмғир чувалчангларидан ажралиб туради. Улар йилига тўрт марта, ҳар гал 24 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан ғумбаклар уч ойда етилади. Шуниси яхшики, улар овқат танламайди. Чорва фермасидан олинадиган бир тонна органик ўғитдан 600 килограммга яқин биогумус «танерлаб беради». Қизил чувалчанглар 16 йилгача яшайди.

Ҳозир хўжаликда парваришланаётган чувалчанглар сони 300 миллиондан ошди. 150 тоннага яқин биогумус тайёрланди. Уни қуритиб, донадор қилувчи агрегатлар ҳам келтириб қўйилди.

ЧЕТ элдаги ишбилармонлар яхши нарсанинг қадрига етишади. Шунинг учун ҳам у ерларда биогумусга талаб катта. Чунончи АҚШ, Германия ва бошқа капиталистик мамлакатларда биогумус устида жуда кўп тажриба, тадқиқотлар олиб борилган. Аниқланишича, ерни яшартириш, тупроқ таркибини органик моддалар билан бойитиш учун камида 6—7 йилда бир маротаба биогумус солиш зарур экан. У ерда намни яхши сақлайди. Тупроқ донадорлигини оширади, унумдор қилади. Энг асосийси, биогумус солиб етиштирилган ерлардаги мева-сабзавот, полиз ва бошқа экинлар ҳосили инсонга мутлақо зарар келтирмайди. Аксинча, соғлиғини мустаҳкамлашга ёрдам қилади. Айниқса, у ёш болаларнинг ўсиб ривожланиши учун фойдалидир.

Колхоз чет элдаги бир нечта фирмалар билан шартнома тузган. Жаҳон бозорида сотилган 25 тонна гумус пулига бир килограмм соф олтин харид қилиш мумкин 25 тонна гумус олиш учун эса кўпи билан 45-50 тонна гўнг керак бўлади, холос. Бу ишнинг қанчалик фойдалилигини билиш учун мутахассис бўлиши керакмас. Биогумуснинг бир тоннасини беш минг немис маркасига ёки уч минг Америка долларига сотиш мумкин.

Биз Р. Усмонов бошлиқ хўжаликдаги чувалчанг етиштирилаётган ерда бўлганимизда бу ишни барча ерда амалга ошириб, катта фойда олиш мумкинлигини сездик. Чунки чувалчангларни етиштириш унча кўп меҳнат ҳам, маблағ ҳам талаб қилмайди. Фақат хоҳиш, иштиёқ бўлса бўлгани.

Айтайлик, очиқ ерга узунаси ўн, эни уч, чуқурлиги олтмиш сантиметрда чуқур қазилади. У ерга мол, парранда гўнги, уй рўзғор чиқитлари солинади. Сўнгра шу ерга чувалчанглар қўйилади. Бир йил ичида бир чулвачанг ўртача 70—80 тага кўпайиши мумкин. Бир чуқурда уларнинг деярли икки миллионтасини боқса бўлади.

Тажрибадан маълум бўлишича, 8—9 ой чуқурга солинган гўнг ва чиқит биогумусга айланади. Унинг устига яна гўнг ва чиқитлар солинса, чувалчанглар тезда янги гўнгга ўтади. Шундан сўнг устки қатламдаги гўнг чувалчанглар билан бошқа чуқурга кўчирилади. Пастдаги гумус эса ишлатиш учун олинади.

Олинган биогумусни хўжаликлар ўзларининг эҳтиёжларини таъминлаганларидан сўнг бошқаларга сотишлари мумкин. Бундан ташқари чувалчангларнинг ўзидан ҳам катта даромад олса бўлади. Битта чувалчанг ҳозир ўн беш тийин туради. Бундан ташқари чувалчанг билан, парранларни боқса ҳам нафи катта экан.

Чувалчанг билан боқилган жўжалар ем билан боқилганига қарагандa икки баробар кўп ва тез семириши амалда исботланган. Қолаверса, жўжалар бақувват ўсиб, касалликка бардошли бўлади. Японялик фермерлар емга чувалчанг аралаштириб беришни йўлга қўйишган. Бу усулда боқилган парранданинг ўртача вазни 55—60 кунда 3—3,5 килограммга етади. Бизда эса 70 кунлик парранданинг вазни 1,5 килограммдан ошмаяпти.

Ҳозир «Дўстлик» колхозида боқилаётган чувалчангларнинг сони 300 миллионтадан ошиб кетди. Улар сотиладиган бўлса 45 миллион сўм даромад кўриш мумкин. Биогумусни сотишдан келган фойдани қўшадиган бўлсак, бу рақам анча кўпайиши мумкин. Иш билганга минг тилло, деб шуни айтсалар керак-да!

РУСТАМЖОН Усмонов фақат фойда кетидан қувадиганлардан эмас. У келаётган даромадни эл фаровонлиги йўлида сарфлашни кўзлайди. Маълумки, жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ногиронларнинг аҳволини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, кўмак бериш ҳақида қонун қабул қилди. Колхоз жамоаси эса ногиронларга амалий ёрдам бериш режасини аллақачон тузиб қўйган.

Советобод шаҳрида иқтисодий ночор аҳволда қолган ногиронлар талайгина. Айниқса, кўзи ожизлар иш тополмай қийналишяпти. Хўжаликда уларни фойдали меҳнатга тортиш мақсадида янги цех қуриляпти. Янги йилдан бошлаб бу ерда шолча тўқилади, идора ёзув буюмлари ишлаб чиқарилади.

Колхозда болалар боғчаси қурилган. Унда меҳнаткашларнинг олтмиш нафар фарзанди тарбияланмоқда. Бундан ташқари хўжаликда шоферлар тайёрлайдиган курс очилди. Ҳозир курсда ўттиз киши ўқимоқда. Улар гувоҳнома олгач, янги кишилар ўқишади. Бу иш давом этаверади.

Аслида колхоз учун кўп ҳайдовчи керак эмас. Асосий мақсад қишлоқда иш тополмай дайдиб юрган ёшларни бирор юмуш билан машғул қилишдир. Чунки, ўқиб ҳайдовчилик гувоҳномасини олган киши бирор ердан иш топиб кетиши мумкин.

Қишлоқда қаровчисиз қолган кишилар бор. Шундайлардан 17 кишига колхоз ўз ҳисобидан нафақа беряпти. Бунга ҳеч ким уларни мажбур қилгани йўқ. Лекин раҳм-шафқатли инсонларнинг иши доимо ўнгидан келиши аниқ.

Ишларнинг юришганини қуйидаги мисолдан ҳам кўрса бўлади. Бундан тўрт йил аввал тўпланган беш юз сўм билан иш бошлаган омилкорларнинг бугунги кундаги мол-мулки 50 миллион сўмликдан зиёддир.

Ҳа, хўжалик жамоаси Р. Усмонов бошчилигида самарали ишлаб, катта даромад кўряпти. Уларнинг келгуси ниятлари яхши. Лекин ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун шароит йўқ. Яъни «Дўстлик» колхозининг ери жуда кам, йўқ ҳисобида.

Биз Қўрғонтепа райони агросаноат уюшмасида бўлганимизда, «Дўстлик» хўжалигини колхоз сифатида рўйхатга олиш учун асос йўқ. Колхоз бўлиши учун ери бўлиши шарт, деб айтишди. Нима учун ер берилмайди, деб берган саволимизга: бизда ерлар етишмайди, борларининг ҳаммаси банд, деб жавоб беришди.

Ваҳолонки, районда иқтисоди заиф, давлатдан қарздор хўжаликлар бор. «Дўстлик» жамоаси улардан бирининг қарзини тўлаш эвазига қўшиб олишга тайёр. Ўйлаб кўришга арзийдиган таклиф...

Ҳаётда Рустамжон Усмоновга ўхшаган ишбилармонлар кўп. Лекин ишбилармонлик осон ҳам эмас. Агар Рустамжонга ўхшаб қатъиятли бўлинса, ишлар юришиб кетаверади.

Биз Ўзбекистон республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон республикаси референдуми ўтган куни тушдан сўнг сим орқали Рустамжон Усмонов билан суҳбатлашдик. У бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Жумҳуриятимиз халқи ўз мустақиллигини қўлга киритишида ўртоқ Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс. У ўзининг билими, тажрибасини ишга солиб, Ўзбекистон гуллаб-яшнаши учун кўп ишларни қиляпти. Хўжалигимиз жамоасининг қисқа муддатда бой-бадавлат жамоага айланишида Президентимизнинг ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракати натижасини кўриб турибмиз.

Бугунги референдум ва сайлов кунида колхозимиз аъзоларининг барчаси бир овоздан ўртоқ Ислом Каримов учун овоз бериб, жумҳурият мустақиллигини ёқладилар. Улар бундан буён ҳам ҳалол, самарали меҳнат қилиб, мустақил Ўзбекистон меҳнаткашлари фаровонлигига баракали ҳисса қўшаяжакларини изҳор этмоқдалар.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТИЛЛО

Суратларда: 1. Ҳосил хамиртуруши — биогумус. 2. Асал истеъмолчиларга шундай идишларга қадоқлаб жўнатилади. 3. Калифорния чувалчанглари.

Суратларни Л. Гусейнов олган.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУЛОҚОТ»

Журналнинг декабрь сони «Олтин қафас ичра» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Унда мустақиллик ва унинг имкониятлари ҳақида гап боради. С. Каримовнинг «Мустақиллик ва маданият» сарлавҳали бош мақоласида эса республика маданиятининг тараққиёт йўли таҳлил қилинган.

Журнал саҳифаларида навбатдаги давра суҳбати ўрин олган. Унда демократия, мустақиллик ва халқ муаммолари тўғрисида сўз юритилади.

Муштарийлар Ислом динини тадқиқ этиш, уни бой маданий мерос сифатида чуқур ўрганиш мавзусида берилаётган мақолаларни қизиқиб кутиб олмоқдалар. Журналда ана шу туркумда берилган Ориф Усмоннинг «Баҳоуддин Нақшбанд» сарлавҳали мақоласида улуғ ва мўътабар Нақшбандий таълимоти, қарашлари ва фалсафаси хусусида фикр юритилган. «Шарқнинг буюк муҳаддислари» туркумида эса М. Усмоновнинг «Имом Муслим ал-Найсобурий» сарлавҳали мақоласи ва алломанинг ҳадисларидан парчалар ҳам берилган.

Маданий мерос ва маънавий бойликларимизни ўрганиш журнал мундарижасидан алоҳида ўрин олган. Бу туркумдан М. Муҳитдиновнинг «Ҳамоҳанг қарашлар қиммати», А. Ирисовнинг «Қуш рисоласи билан танишмисиз?», К. Ҳожиматовнинг «Ибн Сино ўгити», Н. Раҳмоннинг «Мен — буддаман, мен — қутқарувчиман» сарлавҳали мақолаларини ҳам ўқиш мумкин.

ХУШХАБАРЛАР

МАТБУОТГА КЕНГ ЙЎЛ

Қорақалпоғистон давлат матбуот комитети тузилганига 60 йил тўлди.

Бу даврда қорақалпоқ диёрида матбаачилик ҳар томонлама ривожланди, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ҳозир Қорақалпоғистонда тўртта республика, 15 та район ва ўнлаб кўп тиражли рўзномалар босилмоқда. «Қорақалпоғистон» ва «Билим» нашриётларида миллий ва рус тилларида адабий асарлар, ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда. Кейинги даврда 150 номга яқин китобларни нашр этиш йўлга қўйилди.

УМИДВОРЛИК РАМЗИ

Келажакка умид билан қараш, ҳамиша эзгуликка интилиш ўзига хос маънога эга. Болалар жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими таклифи билан таъсис этилган, Янги рўзномани «Умид» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Рўзноманинг биринчи сони муштарийларда катта қизиқиш уйғотди. Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси Д. Шамшетовнинг «Йўлинг кенг, белбоғинг маҳкам бўлсин, «Умид» сарлавҳали табриги, Болалар жамғармасининг мухтор республика бўлими бошлиғи Г. Аннақличеванинг «Умид» сенга оқ йўл», халқ таълими вазири Т. Отамуротовнинг «Умид учқунлари» мақолалари ҳамда турли мавзудаги хушхабарлар, суратлар ҳам саҳифалардан ўрин олган.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарорининг 4-банди охирги абзацидаги дастлабки жумла, аниқлик киритишларича, қуйидагича ўқилсин:

Белгиланганинки, талон бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади.

Шу қарорга 3-илованинг 1-банди қуйидагича ўқилсин:

1. Белгиланган нормалар бўйича ва чекланган нархларда сотилдиган товарлар:

Шу иловадаги «мол ёғи» ибораси ўсимлик ёғи деб ўқилсин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий Иж. роия Қўмитаси, ишхонанинг партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расуловга рафиқаси **Дилором Қосимовна РАСУЛОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекистон овози» жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловга рафиқаси **Дилором Қосимовна РАСУЛОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

• ЯХШИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

БАМИСОЛИ ОНАДЕК

Бу гўшага илк келган кезларим тўсатдан тобим қочиб қолди. Ҳароратданми, янги жойга ҳали кўника олмаганимданми ўзимни дунёда ёлғиздек ҳис этардим. Шунда назаримда теграмда онам пайдо бўлдилар:

— Ойижон, ойи... — талпинаман унга.

— Қизим, ёнингдаман, нима бўлди, кўзингни оч, — дедилар кафтини пешонамга босиб. — Ҳозир тузаласан, мана, дўхтир опанг келиб қолди.

Зўр-базўр кўзимни очдим. Саноатхон опа ташвишланиб, бошимда ўтирарди. Шу-шу опага қалбимда чуқур ҳурмат ва меҳр уйғонди. У онам сингари шиканса дилимнинг энг яқин сирдошига айланиб қолди. Ҳурсандчилигим юрагимга сиғмай тошса ҳам, бирор нарсадан ранжисам ҳам унинг ҳузурига шошиламан.

Ёшлигимдан ногиронлигим туфайли кўп вақт касалхоналарда даволандим. Лекин айтарлик нафи бўлмади. Тенгдошларим қатори елиб-югуришни, боғ-роғларда сайр қилишни кўп орзу қилгандим. Афсуски, юриб кетишимга умид бўлмагач, тезарак атрофимда яқинлар, дўстларим кўп бўлса-да, ҳаётга қизиқиш сўнгандек бўлди. Йўқ, мен тушкунликка банди, иродасиз қиз эмасман. Фақат одамлар орасида бўлишни ҳоҳлайман. Бир муддат ҳам ёлғиз бўлишдан, танҳоликдан қўрқаман...

Ўзим туғилиб ўсган қадрдон юртим, Фарғона районидаги «Риштон» давлат хўжалиги, Авазбой қишлоғи фаоллари ҳаракат қилишиб, район ижтимоий таъминот бўлимидан ногиронлик нафақаси ажратишди. Ўзим «Саодат» жаридасига бир неча бор мурожаат этдим. Уларнинг кўмагида шу гўшага жойлашишга ҳам эришдим.

Уч йилдирки, ўзим сингари одамлар билан маслакдош бўлиб яшаяпман. Бу ерда бизни қалби дарё инсонлар қуршаб олишган. Айниқса, директор Саноатхон Мамажонова биз учун елиб-югуриб йўқни йўндириб зарур шарт-шароитлар яратади.

Саноатхон опа Қўқон шаҳар хотин-қизлар уй-интернати тарихида сезиларли ижобий из қолдирган десам муболаға бўлмайди. Уни вилоятда жонкуяр, ўзига ва ўзгаларга талабчан раҳбар сифатида таниндилар. Саноатхон Қодировна ҳамиша эл ва жамоамиз ташвишида юради. «Инсонларга, айниқса, ногирон инсонларга ғамхўрлик катта савобдир», — дейди у ташвишининг сабабини суриштирсангиз. Бу ерда истиқомат қилаётган беш юз нафардан ортиқ дили ҳасталарнинг ҳар бирига алоҳида эътибор меҳр-шафқат кўрсатади. Опанинг жонкуярлиги билан кўшимча ногиронлик коляскалари келтирилди. Ётоқхона ва уй-интернат корпуслари тўла таъмирланиб, иссиқлик тизими шаҳар тизимига уланди. Бу, шубҳасиз, истиқомат қилувчиларга қулайлик туғдирди. Бундан ҳаммамиз мамнунмиз, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Биз каби қалби шикасталар: Сиз азиз инсонларнинг назар-эътиборингизга, ширин сўзингизга муҳтожлигимизни бир дақиқа ҳам хотирангиздан фаромуш этманг. Қалбингизнинг қайноқ тафтини, меҳрингизни дариғ тутманг!

Шоҳида ТЎХТАСИНОВА.

Тошкент шаҳар Корейс маданият марказида эстетик тарбия мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда болаларга корейс, инглиз тилларини ўргатиш билан бирга тасвирий санъатдан сабоқ берилмоқда, спортнинг қизиқарли турларидан ҳисобланган таэквандо бўйича машғулотлар ўтказиляпти. Ўзига хос нафосат мактабида болалар билим олиб, зийраклик касб этмоқда.

Суратда: таэквандо машғулотида.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзТАГ).

• 64 КАТАК СИРИ

МАЪНАВИЯТ ОМИЛИ

Бир ўтирганда бир-икки соат мобайнида икки-уч партия ўйнаш ҳақиқатан ҳам фаол ҳордиқ чиқаришдир. Бир партия танаффуссиз 4—5 соат давом этса ҳам унга ҳордиқ чиқариш воситаси, деб қараш мумкинми?

Йўқ, бу ўринда ўйин зўр ақлий куч талаб этувчи мусобақага айланади. Бунинг фойдаси аниқ ва ёшлар учун янада каттадир. Оддий жисмоний тарбия машқини олиб кўрайлик. Агар бу машғулот бор йўғи 5—10 минут давом этса, биз «суякларимизни қарсиллатиб» олдик, дейміз. Агар у ҳар куни турли воситалар билан ярим соатдан давом этадиган бўлса, тез орада қўлоёқларимиз, ҳатто бутун танимиз, мушакларнинг бақувватлашаётганлигини сезамиз.

Шахмат ўйнаганда ҳам худди шундай ҳол юз беради. Ҳаваскорлик ўйинлари ақлий кучларни тетиклаштириш бўлса, узоқ давом этувчи жиддий учрашув миянинг ҳақиқий гимнастикаси, ақлий қобилиятларни «чарх»ловчи воситадир. Шунинг учун ҳам машҳур шахматчиларнинг деярли кўпчилиги, фан, маданият ва санъат соҳасида машҳур бўлганликлари бежиз эмас. Масалан, узоқ йиллар мобайнида жаҳоний шахматчиларнинг сардори, техника фанлари доктори М. Ботвинник, яхшигина журналист Михаил Таль, талантли музикачи М. Тайманов ва бош қалар.

Математика, музика, рассомчиликдагидек шахмат санъатида ҳам болаларнинг жуда ёш пайтидаёқ «етишиб» қолиш ҳоллари учраб туради. Бундай болалар 6—7 яшарлигидаёқ шахмат сирларини билиб олишга, 10—12 ёшда эса шахмат усталари билан беллашишга қодир бўлиб қолади. П. Марфи, Х. Капабланка, А. Алехин, С. Ренявский, В. Смислов, Б. Спасский, Р. Фишер, Г. Каспаров, А. Карпов ана шулар жумласидандир. Кейинги йилларда жаҳонга машҳур шахматчилар етишиб чиқмоқда. Бунинг учун бизда ҳамма шароит мавжуд.

Шундай хулоса чиқариш мумкинки, шахмат ўйини кишида ақлий қобилиятни тарбиялашда муҳим омиллардан биридир. Фикрлаш қобилиятимизни такомиллаштиришда кўмаклашуви бу қадимий ақл-идрок ўйини кундалик ҳаётимиз ва меҳнатимизга ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига эгадир.

Табиат кўпчиликка яхши хотира бағишлайди. Шунингдек ўз хотира кучи билан мақтана олмайдиган кишилар ҳам ўзларининг бу қобилиятларини ўстириш — тарбиялаш учун кўпгина имкониятларга эгадирлар. Бунинг учун математика, чет тилини ўрганиш, кўпгина нарсаларни эсда тутишни ва улардан амалда фойдаланишни тақозо этувчи истаган машғулотларни тавсия этиш мумкин. Бинобарин шахмат ҳам шулар жумласидандир. Хотиранинг яхши бўлиши шахматчига фақат кўпгина қоидаларни ўзлаштира олишнигина эмас, балки тажрибани бойитишга ҳам катта ёрдам беради.

Одатда ўйин пайтида тахтада вужудга келадиган мураккаб вазиятларга баҳо беришга тўғри келади. Тўғри баҳо бериш эса, тажрибада учратилган ўйинлар асосида бўлади. Демак, шундай экан, яхши хотиранинг аҳамияти катта.

ВАЗИФА



ШАРТИ: Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

• СПОРТ •

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

• БАСКЕТБОЛЧИ йигитлар олий лига жамоалари ўртасида чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилувчи кучли саккизлик сараланди. Бу жамоалар орасида Тошкентнинг «Узстроймеханизация» баскетболчилари ҳам бор. Спортчиларимиз навбатдаги учрашувларни Чирчиқда ўтказишди. Улар Москва динамочиларини, Минск радио техника олийгоҳи жамоаси билан учрашувда ғалаба қозониб, Самаранинг «Строитель» баскетболчилари учрашувга келишмагани учун ҳам ўзларига ғалаба ёзишди. Ҳозир баскетболчиларимиз ҳисобидаги очколар 20 тага етган.

ҚАЙТИШ ЙЎЛИДА

• МАЪЛУМКИ, Тошкентнинг «Автомобилист» жамоаси волейболчи қизлари бир вақтлар олий лигада муваффақиятли ўйнаб, мухлисларни мамнун этардилар. Ҳозирги кунда волейболчиларимиз ана шу шуҳратларини тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Улар навбатдаги турда 6 та ўйин ўтказиб, ҳаммасида муваффақият қозонишди. Мавсум бошидан бери ўтказилган жами 17 учрашувда ҳам бирон марта мағлубият алами чекилгани йўқ. «Автомобилист» биринчи лиганинг 16 жамоаси орасида пешқадамлик қилмоқда. Агар волейболчиларимиз қолган 14 та ўйинни ҳам кўтаринки руҳда ўтказишса, олий лигага қайтишлари турган гап.

• Назм дафтаридан

БИЗЛАР-ЧИ...

Ҳазрати Алишер — шоир, юрт боши,
Ҳаммага аёндир фармонин тоши.
Хоҳласа шу замон йўқдан бор айлар,
Бир муҳтож гадони бахтга ёр айлар.
Унинг ҳукмидадир эл-юрт тақдири,
Мозийдан акс-садо ҳар битта шеъри.
Хизмат боис ҳар кун вазири кабир,
Неча бир фармонга имзо чекадир.
Ҳисобли бўлса-да ҳар лаҳза они,
Синчиклаб ўқишга етур имкони.
Ҳар бирин кўришга эринмас сира,
Дегайдир ҳар сатри бўлсин бокира.
Тарихчун эмасдур бу нарсалар сир,
Керак бўлса ўзи қайта ёзгандир.
Қусурларни излаб урмас асло дўқ,
Ижрочи дўстларга берар йўл-йўриқ.
Подшоҳларга инсоф, эзгулик тилар,
Ва ҳамма нарсани нисбий деб билар.
Ҳужжат бурчагига имзо чекар жим,
Билиниб турсин, дер, ҳокисорлигим...

Эҳ, энди бизлар-чи, ҳатто ёзсак ҳат,
Номимиз қўюрмиз теппада албат.
Лавозим бўлса-ку, худо урди денг,
Ўзларини санаймиз осмонларга тенг.
Дуч келган кимсага отамиз «ўқни»,
Ўқишга вақт етмас тайёр нутқни.
Умримиз ўтгайдир ел каби елиб,
Бировнинг фикрига эгалик қилиб.
Фақат ўзимизни ўйлаб яшаймиз,
Манфаат деб, ёлғон сўйлаб яшаймиз.
Дилларни тарк айлар эзгу ҳис, тилак,
Боболар шаънига келтирамиз шак.
Қувончни дўст билан кўрмаймиз баҳам,
Мағзини чақмаймиз ҳикматларнинг ҳам...

Навоий ҳакда бу балки ривоят,
Лекин бизлар учун ибратли гоят.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

Э Ш И К

Хонамга кираман хатлаб остона,
Ёпаман, очилиб кетади эшик.
Ёпаман, очилар яна ва яна,
Ушлаб турмас на қулф, на ошиқ-мошиқ.

Эшик орқасида гўё кимдир бор,
Нафаси келмоқда... ҳозир киради...
Бироқ у негадир бош суқмас зиҳҳор,
Балки мендан таклиф кутиб туради!

Юракка бир ҳадик тинчлик бермайди,
Етар, таъқиб қилма бунчалар ахир!
Дўстмисан, душманми — ким бўлма, майли,
Ижозат бераман, ичкарига кир

... Соғиндим, кўзларим қанча ёш тўкди,
Бегуноҳ болалик қайтмагай сира.
Ё эшикка келган... қалбим энтикди,
Бу сенми, Болалик! Сенми! Хотира!!

Эсимда, юлдузни юрардим кўзлаб,
Жуда мағрур эдим, жуда шафқатсиз.
Энди-чи... саломга келдингми излаб,
Эй, сен илк муҳаббат — йиғлаб қолган қиз!

Умрим бўйи гўзал бир шеър изладим,
Мангу қолурми деб мен кўтарган ном.
Эшик орқасида келиб турган ким! —
Бу, балки, ўша шеър, бу, балки, илҳом!

Ё сенми, Бахт-иқбол, сенмисан, Роҳат!
Хуш кўрдим, марҳабо, нечун бунча ноз!
Ё сенми, Мол-дунё! Сенмисан, Омад!
Э ... ким бўлса бўлсин! Кирмаса, кирмас!

Силтаб ёпаман-у, қўзғалар жаҳлим,
Тавба, эшик тағин очилар шу он.
Кимдир бор... кимдир бор... юракда ваҳим,
Дўстлар, бу ким ўзи, бу нечук меҳмон!

Мен-ку бу дунёда бир инсон мисол
Яшадим гоҳо рост, гоҳ ўтрик сўзлаб.
Эшигим ортида турар эҳтимол,
Менинг ёлғонимдан жабр чеккан қалб!

Ўз нафс-фойдам деб югуриб, учиб,
Кимсага бердимми бир фириб, озор! —
Мендай бадкирдордан ўч олмоқ учун
Келиб турганмикан бирор қасоскор!

Бажараман! Ишон! Хўп! Муҳайё!... деб,
Кимга ваъда бериб алдадим магар,
Ўша ваъдаларга қани вафо деб,
Ташриф буюрдими қай бир даъвогар!

Ҳиёнат қилдимми имон, виждонга!
Қачон бўлдим ҳаром-ҳаришга мойил!
Энди яшаш ҳайф, деб, сендай инсонга,
Хонамга кирмоқчи, балки, Азройил!...

... Дўстим, булар бари шунчаки бир гап,
Хаёл эканлиги барчага аён.
Лекин кўкрагимда дук-дук, дук-дуклаб
Эшик қоқиб турар ғалати меҳмон.

Бўсаға хатласанг, баъзи бир онлар
Қуршарми сени ҳам шу ўй, тафаккур!
Ростдан бориб қолса шундай меҳмонлар,
Қандай кутиб олажаксан, ўйлаб кўр!

Муаффар АҲМАД

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР МИННАТДОР

Андижон давлат тиббиёт олийгоҳи ректорати бўлажак шифокорлар, кам маош оладиган ходимлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиляпти. Ректорат Кенгашининг қарори билан олийгоҳда таълим олаётган беш мингдан зиёд талабанинг ҳаммаси 1991 йилнинг 1 сентябридан шаҳар транспортидан бепул фойдаланяпти. Илгари ижара уйларда яшайдиган уч минг талабанинг ҳар бирига олийгоҳ ҳисобидан ўн сўмдан пул берилар эди. Ҳозир у 20 сўмга етказилди. Кам маош оладиган 1200 нафар ходимга 1991 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳар ойда тушлик овқат учун 24 сўмдан пул бериляпти.

Шартнома билан олийгоҳга қабул қилинган талабаларга янги йилдан бошлаб алоҳида ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Олийгоҳда 404 нафар оилали талаба ўқийди. Биттадан тўрттагача фарзанди бўлган бу талабаларнинг ҳар бир боласига юз сўмдан нафақа белгиланди. 48 нафар ота-онасиз, 147 нафар ҳарбий хизматни ўтаб келган, тўққиз ногирон талабага ҳар ойда 200 сўмдан нафақа берилади.

Шунингдек, янги йилдан бошлаб шартнома билан олийгоҳга кирган талабаларга дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бирига компенсация тарзида беш юз сўмдан, ёрдамчи шахсларга эса 150 сўмдан пул бериладиган бўлди. 552 нафар оилали, ота-онасиз, ногирон ва ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар олийгоҳ ҳисобидан 1992 йил учун «Ўзбекистон овози»га бепул обуна қилинди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲР-ШАФҚАТ ҲАР КУНИ КЕРАК

БЕМОР БОЛАЛАРГА ЁРДАМ

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш муассасаларига Туркиядан келган хайрия юки топширилди. Бу юк бир марта ишлатиладиган шприцлардан, камчил дори-дармонлардан, боғлаш материаларидан, санитария ва гигиена буюмларидан иборат. Улар Тошкентдаги гўдаклар уйига, республика руҳий ва асаб касалликлари шифохонасига, Ўзбекистон пойтахтининг Фрунзе районидаги 3- ва 4- болалар комбинатига, бошқа тиббий муассасаларга топширилди.

Буларнинг ҳаммаси Туркия Республикаси Қизил ярим ой жамиятининг Янги йил арафасидаги инсонпарварлик ёрдамидир. Бу ёрдам икки мамлакат халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ёрқин далили бўлди. Ёрдамнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатдан келганлиги ҳам рамзий маънога эга.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзТАГ мухбири.

• Арзномалар, ҳангомалар

ЁЛҒОННИНГ ОХИРИ ВОЙ

«Ростгўйликда хавфу-хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар! Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой». **(Муҳаммад пайғамбар ўгитлари).**

Воқеанинг тафсилоти бундай: мен 1981 йил ёзда хўжалик ҳисобидаги республика ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядига агроном бўлиб ишга кирдим. Ҳалол хизматларим эвазига 1983 йили Тошкент шаҳри бўйича катта агроном лавозимига кўтарилдим.

Бир донишманд: «Тоза бўлмаган муҳитда ҳар қандай киши ҳам айнийди, бузилади, ўғрилар орасига тушсанг ўғри бўласан, тўғрининг орасида тўғри», — деган экан. Ишхонамизда мураккаб муҳит ҳукм сурарди. Бир неча бор ўтказилган текширишларга қарамай, бу ҳолат давом этарди. Бу корхонада қарийб 16 йилдан бери Лапатников, ўз сўзи билан айтганда, енгилмас Алексей Ефимович ҳокимияти ҳукм суряпти. Гапимнинг исботи сифатида собиқ ходимлар В. И. Бличенский, В. П. Каркачев ва бошқаларнинг қисматларини сўзлаб беришим мумкин.

1987 йил декабрда мен ўқув сессиясида эдим. Маошимни олгани ишхонага келиб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Лапатников устидан юқори идорага шикоят битилибди. У бир гуруҳ агрономлар номидан бўлиб, ёзув машинкасида кўчирилган экан... Кассир маошимни бермади, у: «сени бошлиқ чақиряпти,» — деб раҳбар ҳузурига киришга мажбур қилди.

У мени кўриши биланоқ томдан тараша тушгандек: «Бизни халқ назорати текширяпти, ёзганини ҳеч ким тан олмаяпти. Хат сенки бўлса, бўйнингга ол», — деб совуққина кутиб олди. Мен инкор қилдим. Лекин бошлиқ ишонмади.

Қуруқ туҳматга қолганимдан сўнг ўз номимдан Ўзкомпартия Марказий Комитетига ва Ўзбекистон Халқ назорати комитети раиси номига корхонадаги ҳақиқий аҳвол баён қилинган ариза ёздим (1987 й. 21 декабрь). Халқ назорати ходимлари менинг аризамни ҳам қўшиб текширдилар. Кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Корхона бошлиғи Лапатниковнинг 25,1 минг сўмлик давлат мулкини ғайриқонуний йўллар билан ҳисобдан чиқаргани, молиявий ишлар қонун-қоидаларида бузишлар рўй бергани маълум бўлди.

Афсуски, шундан кейин мен ва оила аъзоларимнинг тинчи бузилиб, қора кунларимиз бошланди. Бошлиқ ва унинг ҳомийлари танқид учун таъқиб қилиб, қувғин бошлашди.

Мен сабр ва бардош билан, қонунни бузмай, қўйидан юқоригача мурожаат қилдим. Фрунзе районидаги комсомол, фирқа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида бўлдим, нафи тегмади.

Мазкур корхонадаги ғайриқонуний ишлардан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳам хабардор. 1991 йил февраль ойида радиомулоқот пайтида дардимни айтганман. 8 апрелда вазирликда бир гуруҳ мутахассислар ўзаро маслаҳатлашиб, тафтиш ўтказишга қарор қилди. Вазирликнинг назорат-тафтиш бошқармаси бош мутахассиси А. Г. Игонин бошчилигида 1991 йил 11 апрелдан 22 апрелгача текшириш ўтказилди. Текшириш жараёнида Лапатников аввалги ишларини давом эттираётгани исботланди. Корхонада давлат мулкини ғайриқонуний ҳисобдан чиқаришлар, қўшиб ёзишлар, молиявий ҳуқуқбузишлар, омборда камомад ва ортиқча материаллар мавжудлиги аниқланди. Лекин ҳали ҳам вазирлик томонидан бирор чора кўрилганича йўқ.

«Ер юзида битта жиноятга берилган жазо Ер аҳли учун 40 кун ёмғир ёққанидан афзалдир», — дейилган ҳадисда. Жиноятчининг жазодан қутилиб қолиши адолатдан эмас. Энг ёмони шундаки, жазоланмаслик янги жиноятларни келтириб чиқаради.

Шукуров АБДУҚАҲҲОР Ваҳоб ўғли,

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 5 январда чиқади.)

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 349.745 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 3.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.50. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.